


БИНОЛАР ВА ИНШОТЛАРНИНГ КОНСТРУКЦИЯВИЙ МУСТАҲКАМЛИГИ, ИШОНЧЛИЛИГИ ВА СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Наманган муҳандислик-қурилиш институти

**БИНОЛАР ВА ИНШОТЛАРНИНГ КОНСТРУКЦИЯВИЙ
МУСТАҲКАМЛИГИ, ИШОНЧЛИЛИГИ ВА
СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ**

**КОНСТРУКЦИОННАЯ ПРОЧНОСТЬ ЗДАНИЙ И
СООРУЖЕНИЙ, НАДЁЖНОСТЬ И ВОПРОСЫ
СЕЙСМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ**

**ISSUES OF SEISMIC SAFETY AND STRUCTURAL STRENGTH,
RELIABILITY OF BUILDINGS AND STRUCTURES**

*Республика илмий-амалий конференция
материаллари тўплами*

Наманган шаҳри, 27-28 апрель, 2018 й.

“Биолар ва иншоотларнинг конструкциявий мустаҳкамлиги, ишончилиги ва сеймик хавфсизлиги масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами.

Тўпламга ЎзР ВМнинг 2018 йил 6-мартдаги 178-ф-сон фармойишига асосан **2018 йил 27-28 апрель** кунлари институтда ўтказилган **“Биолар ва иншоотларнинг конструкциявий мустаҳкамлиги, ишончилиги ва сеймик хавфсизлиги масалалари”** мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси иштирокчиларининг мақолалари киритилган.

НамМҚИ, 27-28 апрель, 2018 йил, Наманган шаҳри

Тахрир ҳайъати:

НамМҚИ ректори Кенжабоев Ш.Ш., НамМҚИ илмий ишлар бўйича проректори Умархонов С.И., проф., тех.фанл.докт. Ильина Л.В. (НГАСУ, Россия), проф., техн.фанл.докт. Молодин В.В. (НГАСУ, Россия), доц., техн.фанл.докт. Раззақов С.Ж., доц., ф-м.фанл. докт. Апаков Ю.П., проф., т.ф.н. Хамидов А.И., доц., т.ф.н. Абдурахмонов С.Э., доц., т.ф.н. Рахимов А.М., доц., т.ф.н. Холмирзаев С.А., кат. ўқит. Мавлонов Р.А., кат. ўқит.. Фозилов О.Қ., ўқ. Хошимов С.Н.

Конференция материаллари тўплами Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг Илмий кенгаши Қарорига асосан чоп этишига тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

ОГЛАВЛЕНИЕ

КИРИШ	10
1-ШҶЪБА	12
ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ, БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАР КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИ, ҚУРИЛИШ МЕХАНИКАСИ, КОНСТРУКЦИЯВИЙ ҲАМДА СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ	12
1-СЕКЦИЯ	12
СОВРЕМЕННОЕ АРХИТЕКТУРА И СТРОИТЕЛЬСТВО, ПРОЧНОСТЬ КОНСТРУКЦИЙ ЗДАНИЙ И СООРУЖЕНИЙ, СТРОИТЕЛЬНАЯ МЕХАНИКА, ВОПРОСЫ КОНСТРУКЦИОННОЙ, А ТАКЖЕ СЕЙСМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ	12
Аварии на гидротехнических сооружениях	12
<i>к.т.н., доц. Н.А.Хамрабаева, ТАСИ</i>	12
Расчет подпорной стенки треугольного профиля на устойчивость	14
<i>с.н.с. Б.Э.Хусанов, маг. М.С.Турдиев, НУУз</i>	14
Архитектура ва қурилиш соҳаларининг ривожланишида лойихачи архитекторларнинг роли	16
<i>Phd., кат. ўқит. С.Маноев, ўқит. Ж.Аннақулов, ўқит. А.Тоҳиров, тал. Б.Ҳикматова, СамДАҚИ</i> ..	16
Қурилиш конструкциялари ва технологияларнинг табиий муҳитга таъсирини камайтириш муаммолари	18
<i>катта ўқитувчилар З.Х.Холбоев, Р.А.Мавлонов, НамМҚИ</i>	18
Изучение влияния глубины заложения железнодорожного полотна на уровень колебаний поверхности грунта, возникающих при движения поездов по оврагу	20
<i>доц. С.М.Саидов, студ. К.С.Махмудова, НамИСИ</i>	20
Кўп қаватли турар-жой биноларини энергетик реконструкция қилишнинг баъзи жиҳатлари	22
<i>кат.ўқит. Аблаева У.Ш., ўқит. Норматова Н.А., ўқит.Мингяшаров А.Х., ЖизПИ</i>	22
Назарий механика фанидан амалий машғулот дарсларида интенсив ўқитиш услубини қўллаш	24
<i>доц. Ё.Тиллабоев, кат. ўқит.Ш.Исабоев, ўқит.Ш.Норматов, НамМҚИ</i>	24
Рамаларнинг статик ва динамик кучларга ҳисоблашда Лира 9.6 дастурининг ўрни	26
<i>доц. Ж.Даминов, кат. ўқит. А.Рахимов. кат. ўқит. И.Нажмиддинов, к.ўқт. Ш.Исабоев, маг. И.Умаров, тал. А.Хайдаров, НамМҚИ</i>	26
Қишлоқ аҳоли ҳудудларининг жамоат марказини шакллантириш ва хизмат кўрсатиш муассасалари тармоғини ташкил этиш	28
<i>доц. М.Худоярова, кат. ўқит. Ў.Маматқулов, ўқит. Ж.Аннақулов, СамДАҚИ</i>	28
Бинога салбий таъсир кўрсатувчи омиллар	30
<i>кат. ўқит. Шодмонов А.Ю., кат. ўқит. Холбўтаев Ж., ўқит. Абдусаматов Н.И., ЖизПИ</i>	30
Йирик савдо марказлари ҳудудида автотранспорт ҳаракатини такомиллаштириш масалалари	32
<i>ўқ. О.У.Ҳамидов, кат. ўқит. И.И.Якубджанов, тал. А.А.Хайдаров, НамМҚИ</i>	32
Қурилиш механикаси фанини ўқитишда интерфаол стратегиялардан фойдаланиш	34
<i>кат.ўқ. А.М.Рахимов, кат.ўқ.Ш.М.Исабаев, НамМҚИ</i>	34
Кучсиз гурунтларда лентасимон пойдеворларнинг қўлланилиши	36
<i>ўқит. Б.Мақсуд ўғли, тал. М.Дехқоналиев, излан. З.Сайфиддинова, НамМҚИ</i>	36
Свойство углепластиковых полимерных волокнистых материалов для усиления железобетонных балок	37
<i>ст.преп. Сағатов Б.Ў., маг. Кудратов У.Т., ЖизПИ</i>	37
Расчет ферм на основе пакет програм "BASE"	39
<i>доц. Х.Алимов, ст.преп. К.Аъзамов, И.Нажмиддинов, А.Рахимов, Ш.Исабоев, маг. И.Умаров, студ. А.Хайдаров, НамИСИ</i>	39
Nazariy mexanika fanining “statika” bo’limida “kesishuvchi kuchlar sistemasining muvozanati” mavzusiga oid amaliy mashg’ulot darslarida innovatsion texnologiyalardan foydalanish	41
<i>prof. Sh.Yuldashev, kat. o`qit. SH.Isaboyev, tal. M.Musamiddinov, NamMQI</i>	41
Том қурилишига эътиборли бўлайлик	43
<i>доц. И.С.Саттаров, доц.С.Матъязов, маг. М.Д.Сапарбоев, маг.Т.И.Саттаров, СамДАҚИ</i>	43

Талабаларни мунтазам равишда актив ижодий изланишга ва амалий ишлашга жалб этиш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларининг мустахкамланишига олиб келади. Мустақил ишлаш даврида талабаларга индивидуал вазифалар берилади, яъни ҳар бир талабага алоҳида масалалар берилади. Бунда талабалар бир-бирларидан кўчириш имкониятидан маҳрум бўладилар. Бу талабага холис баҳо қўйилишига олиб келади.

Мустақил ишлаш давомида актив иштирок этган, вазифаларни тез ва тўғри бажарган талабалар рағбатлантирилади, дарс сўнгида баҳоланади.

Адабиётлар

1. “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2909 сон қарори 2017 йил 20 апрель
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.

Рамаларнинг статик ва динамик кучларга ҳисоблашда Лира 9.6 дастурининг ўрни

доц. Ж.Даминов, кат. ўқит. А.Рахимов, кат. ўқит. И.Нажмиддинов, к.ўқт. Ш.Исабоев, маг. И.Умаров, тал. А.Хайдаров, НамМҚИ

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар, соғлиқни сақлаш муассасаларини барпо этиш ва реконструкция қилиш дастурларини амалга оширишга доир кўрилатган чора-тадбирлар натижасида лойиҳа-тадқиқот ишлари ҳажми сезиларли равишда ошганини қайд этиш зарур.

Шу билан бирга, лойиҳалаш ишларини ташкил этиш борасидаги жиддий камчиликлар амалга оширилатган инвестиция жараёнларига тўсқинлик қилмоқда ва уларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда. Аксарият хусусийлаштирилган лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолияти лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқиш бўйича замон талабларига жавоб бермайди. Лойиҳалаш ишлари сифати ҳам сезиларли равишда пасайгани кузатилмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари кўпинча ваколатли экспертиза органлари томонидан қайта ишлаб чиқиш учун қайтарилмоқда.

Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари амалиётига лойиҳалаштиришнинг замонавий услублари, жумладан, лойиҳалаш ишларини автоматлаштириш ва амалий дастурий маҳсулотлар суи жорий этилмоқда.

Ёш ва истиқболли лойиҳачи кадрларни кўпайтиришга етарлича эътибор қаратиш, республикамизнинг ушбу йўналишдаги олий ўқув юртларида уларни тайёрлаш сифатининг талаб даражасига олиб чиқиш, лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларининг малакасини ошириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5392-сон Фармони мазкур соҳадаги муаммоларнинг бартараф этишга қаратилганлигини кўриш мумкин.

Айниқса, архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш, қурилиш соҳасида, жумладан чет элдаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида лойиҳачилар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашиш-Фармоннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.


Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг истиқболли ва иқтисодий жиҳатдан самарали инвестиция ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирокини таъминлаш, моддий-техника ишлаб чиқиладиган лойиҳалар сифатини жиддий ошириш ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шундай экан бу ишда биз ҳозирги кунда кенг қўлланилиб келаётган Лира дастурлар мажмуаси ҳақида умумий маълумотларни ва фазовий темир бетон рамасини статик ва динамик кучларга ҳисоблашни ёритиб бермоқда.


Лира дастурлар мажмуаси ҳозирги кунда мамлақтимиз лойиҳа институтларида қўлланилиб келмоқда. Лира дастурлар мажмуасида оддий ясси рама ва фермалардан бошлаб, мураккаб фазовий рама ва фермаларни жуда катта аниқлик билан статик ва динамик кучларга ҳисоб ишларини бажариш ва натижалар олишимиз мумкин. Бундан ташқари мураккаб конструкциялар техник ҳолатини таҳлил қилишимиз, олинган натижалар асосида автоматик чизмаларини чизишимиз ва амалиётга тадбиқ қилишимиз мумкин.

Ҳисоб натижаларининг N , Q_z , M_y эпюраларини кўриш ва натижаларини ҳужжатлаштириш.


Фазовий рамага таъсир қиладиган динамик кучлардан ҳосил бўлган N , Q_z , M_y эпюраларини кўриш учун “**Визуализация результатов расчёта/эпюры усилий в сержнях / N / Q_z / M** ” тугмалари кетма-кет босилади ва экранда 1-2-3-расмларни кўриш мумкин. Динамик куч (сейсмика)нинг 2-формасида раманинг кўриниши 4-расмда келтирилган.




1-расм. Фазовий раманинг динамик кучлардан ҳосил бўлган N эпюраси.



2-расм. Фазовий раманинг динамик кучлардан ҳосил бўлган Q_z эпюраси.



3-расм. Фазовий раманинг динамик кучлардан ҳосил бўлган Муэпюраси.



4-расм. Динамик куч (сейсмика)нинг 2-формасида раманинг кўриниши.

Адабиётлар

1. Абдурашидов К.С., Хабилов Б.А., Туйчиев Н.Ж., Рахимбоев А.Г. Қурилиш механикаси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999 й. - 382 б.
2. Одилхўжаев Е.А., Гуломов Т.Г., Абдукомиллов Т.К. Қурилиш механикаси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1985. - 272 б.

Қишлоқ аҳоли ҳудудларининг жамоат марказини шакллантириш ва хизмат кўрсатиш муассасалари тармоғини ташкил этиш

доц. М.Худоярова, кат. ўқит. Ў.Маматқулов, ўқит. Ж.Аннақулов, СамДАҚИ

Хозирги даврда Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири қишлоқ хўжалигини саноат асосида юритишга ўтиш, транспорт ва алоқа воситаларини, коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига маданий маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги илмий техник тараққиётнинг қишлоқлараро хизмат кўрсатишнинг ягона тизимини яратишни талаб этади. Қишлоқ фукаралар йиғини ҳудудида шаклланаётган жойлашувнинг янги тизимида бундай ўзгаришларни амалга ошириш реал воқелик сифатида қабул қилинмоқда. Жойлашувнинг бундай тизими шаҳар ва қишлоқ учун ягона жойлашув тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш қишлоқ аҳоли пунктларини ўзгартиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бунда қишлоқ жамоат биноларининг режали тузилмаси ва типологиясини қишлоқлараро хизмат кўрсатишнинг ягона тизими–ижтимоий, шаҳарсозлик, композицион нуқтаи назарда рационал бўлган қишлоқнинг жамоат марказини ташкил қилиш асосида шакллантириш кўзда тутилади.

Қишлоқ манзилгоҳларининг жамоат марказлари тизимини туман режалаштиришнинг схема ва лойиҳалари, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларининг меъморий режавий схемаларига боғлиқ ҳолда куйидаги таркибда ишлаб чиқиш жоиз бўлади: қишлоқлараро хизмат маркази вазифасини бажарувчи жамоат маркази; маҳалла марказлари.